

310.000 ТОННА



БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 207 (3689).

Пайшанба, 19 октябрь 1967 йил.

Баҳоси 2 тийин.



УЛКАН ХИРМОНГА ҚИМ ҚАНЧА ҲИССА ҚУШДИ?

Оққўрғон	71.519 тонна.	Ўрта Чирчиқ	51.871 тонна.
Бўка	68.364 тонна.	Бекобод	32.345 тонна.
Янгийўл	62.318 тонна.	Юқори Чирчиқ	16.836 тонна.
		Оржоникидзе	5.768 тонна.

ТАСС АХБОРОТИ

Улуғ Октябрнинг 50 йиллик арафасида совет фани ва техникасининг янги буюк ғалабаси

„Венера-4“ автомат станцияси Венера планетасининг атмосферасидан ўтиб, унинг юзасига қўнди

«Венера-4» совет автомат станцияси 350 миллион километрга яқин масофани босиб ўтиб, 1967 йил 18 октябрда Венерата бориб етди.

4 ой давом қилган учиб вақтида бу станция космик фазонинг хоссалари тўғрисида жуда кўп янги маълумотлар олишга иштон берди.

Станция Венера планетасига яқинлашган чоғида планетанинг сезиларли магнит майдони ва радиация минтақалари йўл йўқлигини қайд қилди. Бироз водород катлами борлиги аниқланди.

Бугун 1967 йил 18 октябрда Москва вақти билан соат 7-34 минутда «Венера-4» автомат станцияси космик тезликда учиб туриб, Венера атмосферасига ўтиш ва планетага туширилган аппарат — илмий лаборатория станциядан ажралиб чиқди. Туширилган аппарат планета атмосферасида аэродинамик тортиқланганидан кейин махсус парашют системаси автомат равишда ишга тушиб кетди ва аппарат Венера атмосферасига равиш билан пасайишни давом эттирди.

Туширилган аппаратдаги илмий асбоблар Венера атмосферасининг параметрларини 25 километр масофада бир ярим соат давомида тўхтовсиз барқарор ўлчаб турди ва шу ўлчаш натижаларини Ерга юбориб турди. Аппарат планета юзасига қўниб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи — гербининг сурати туширилган иккинчи вимпелни элиб қўйди.

Венера атмосферасининг босими, тизиллиги, температураси ва кимёвий таркиби ўлчаб чиқилди.

Ўлчовлар ўтказилган участкада атмосфера температураси цельсий ҳисобида 40 градусдан 280 градусгача ўзгариб турди, атмосфера босими бир атмосферадан 15 атмосферагача ўзгариб турди. Бу ўлчашлар Венера атмосфераси нуқул деярлик углеиссий газдан иборатлигини; атмосферадаги кислород билан сув буғлари бир ярим процент чамаси эканлигини кўрсатди; азотнинг сезиларли излари борлиги аниқланди.

Илмий ўлчашларнинг маълумотлари ишлаб чиқилмоқда ва эълон қилинаёқ.

Шундай қилиб, «Венера-4» совет автомат станцияси планета юзасига биринчи марта равиш билан тушиб қўнди ва Венера планетаси тўғрисида энг қимматли маълумотлар олишга имкон берди.

Планеталараро «Венера-4» совет автомат станцияси бажарган илмий тадқиқотлар, совет фани ва техникасининг янги зўр ғалабасидир, қўш системаси планеталарнинг тадқиқ қилишдаги энг муҳим босқичдир.

ТОШКЕНТ ПАХТАСИ ЮБИЛЕЙГА

Тошкент областининг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети март, (1965) май (1966) ҳамда ундан кейинги бўлиб ўтган Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилди, 18 октябрда давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарди.

Область колхозлари ва совхозлари тайёрлов пунктлари 310 минг тонна пахта етказиб берди ва плани 100,01 процент бажарди. Тайёрланган пахтанинг 85 процентдан ортигин биринчи марта қабул қилинди.

Машина терими плани анча ошириб бажарилди. Машиналар билан ялчи ҳосилини 65 процента яқини ёки 200 минг тоннадан ортиқ пахта терилди.

Бундай ютуққа партия ва ҳукуматимизнинг катта ёрдами, механизаторлар, колхозчилар, совхоз ишчилари, мутахассислар ва барча қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ҳамда партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг олиб борган сиёсий ва ташкилотчилик ишлари тўғрисида эришилди.

Область пахтакорлари эришган ютуқларининг яна бир сирини шундаки, механизация кенг жорий этилди, комплекс механизациялаштирилган звеноларда меҳнатни ташкил қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш янада такомиллаштирилди, хўжалик ҳисоби жорий қилиниб, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг меҳнатига нарядсиз усулда ҳақ тўлашга ўтилди. Пахтачиликдаги барча ишлар ўз вақтида ва агро-техника муддатларида сифатли қилиб бажарилди.

Плани бажаришда Оққўрғон, Янгийўл, Бўка, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ районларининг пахтакорлари айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бекобод ва Оржоникидзе районларининг меҳнаткашлари ҳам маррага яқинлашмоқдалар.

Оққўрғон районидан Ленин номи, «Озод», «Москва» колхозлари, «ЎзССР беш йиллиги», «Оққўрғон» совхозлари, Бўка районидан «Партия XIX съезди», «Октябрь 40 йиллиги», Тимирязев номи, «Гулистон» колхозлари, 2-«Пискент» совхоз, Юқори Чирчиқ районидан «Политотдел», Ўрта Чирчиқ районидан Охунбобоев номи, Терешкова номи, «Полярная звезда», «Партия XXII съезди» колхозлари, Киров номи совхоз, Янгийўл районидан Х. Турсунқулов номи, «Ленинизм», «Интернационал», «Коммунизм», «Партия XXI съезди» колхозлари, Оржоникидзе районидан «Қизил Ўзбекистон» ва Бекобод районидан «Победа» колхозлари ва бошқа жуда кўп колхоз ва совхозлар пахта етиштириш ва уни тайёрлашда ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатдилар.

Янгийўл районидан илгари қолоқ ҳисобланиб келган «Партия XXI съезди» колхоз пахта планини 22 иш кунда бажарди. Бу хўжалик машина терими планини 180 процента олиб борди. Колхоз аъзолари ҳосилдорлигини 30 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Ленин ордени «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалиги пахта етиштириш ва уни йиғиб-териб

олишни яна ҳам кўпроқ механизациялаш йўлидан бориб, бу йил 91 процент, яъни 10.400 тонна пахтани машинада териб олди. Ҳар гектаридан 28,2 центнердан пахта олинди.

Бўка районидан «Октябрь 40 йиллиги» колхоз 18 кунда плани бажарди, машина билан 2780 тонна пахта терди. Бу тайёрланган барча пахтанинг 96,5 процентини ташкил этди. Колхозда гектаридан олинган ҳосил 28,9 центнерданга тўғри келди.

Пахта етиштириш ва уни тез суръатлар билан йиғиб-териб олиб давлатга топширишда хўжалик ҳисобида ишлайдиган комплекс механизациялашган звенолар катта роль ўйнадилар. Бу йилги тажриба шуни яна бир бор кўрсатдики, техникасиз ва юқори малакали механизатор кадрларсиз об-ҳаво шароити анча нуқул келганда область хўжаликлари пахта тайёрлаш ва давлатга сотиш планини бунчалик қисқа мuddатда бажара олмаган бўлур эдилар. Бу йил область колхоз ва совхозларида 3 мингта яқин механизациялаштирилган звенолар ишладилар.

Бу йил жуда кўп звенолар, жумладан С. Сегизбоев номи совхоздан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты С. Абдукаримов, Оққўрғон районидан «Озод» колхозидан Х. Мидонов, шу райондан «Заря коммунизма» колхозидан В. Кан, Бекобод районидан Ленин номи колхоздан Социалистик Меҳнат Ғафари, А. Усмонов, 1-«Давлатини» совхоздан М. Раҳимқулов, Бўка районидан «Гулистон» колхозидан М. Мусоев, 2-«Пискент» совхоздан Х. Бойматов, «Партия XIX съезди» колхоздан Б. Ўзлов, Юқори Чирчиқ районидан «Политотдел» колхозидан Ли И. Карл Маркс номи колхоздан А. Абдураҳмонов, Янгийўл районидан Киров номи колхоздан П. Абдураҳмонов, Калинин номи колхоздан Ш. Фусайдов, Ҳамроқул Турсунқулов номи колхоздан Б. Мурақбоев, Ўрта Чирчиқдаги «Полярная звезда» колхозидан Э. Бўтабоев, Охунбобоев номи колхоздан З. Мирзаев, Оржоникидзе районидан «Қизил Ўзбекистон» колхоздан М. Эсенов ўртоқлар бошлик звенолар катта ютуққа эришдилар ва улар мўл ҳосил етиштириб зимага олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар.

Меҳнатқайдоқчилар: Янгийўл районидан Киров номи колхоздан СССР Олий Советининг депутаты, Ленин мукофоти лауреати Т. Охупова, Калинин номи колхоздан Ш. Курсеитов, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан Р. Чин, А. Сулаймонов, С. Хатип, Юқори Чирчиқ районидан Свердлов номи колхоздан У. Атемуқов, Т. Ким, Ўрта Чирчиқ районидан Куйибоев номи колхоздан А. Чўтабоев сингари ўртоқлар алоҳида жасорат кўрсатдилар. Ҳозирги кунгача уларнинг ҳар бири машиналар билан 140 тонна ва ундан ҳам ошириб пахта тердилар.

Қишлоқ меҳнаткашлари Тошкент шаҳри, Чирчиқ, Охангарон, Олмалик, Янгийўл, Бекобод ва Янгибод шаҳарлари илмий-техник шўърасалари, саноат корхоналари, ишчи-хизматчилари ва мутахассисларининг ёрдами билан баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Улар колхоз ва совхозларини янги техника, сифатли ўғит билан таъминлашда доимо ердан қўлини қўзғабдилар, қимматли маслаҳатлар берадилар. Ишчи-теримда ҳам қўмақлашадилар.

Давлат пахта тайёрлаш планининг муддатидан илгари бажарилишига пахта заводлари ва тайёрлов пунктларининг ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшилдилар. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан ҳосилнинг тўхтовсиз қабул қилиб олинишини таъминладилар.

Етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишни муваффақиятли йўлга қўйишда ёғзагини баргини тўқни ишларини яхши ташкил қила олган Қозоғистон ССР, Ғарбий Сибирь, Урал ва Тошкент Граждан ҳаво флоти бўлимлари қишлоқ хўжалик авиацияси учувчиларининг ҳам муносиб улуши бор.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Октябрнинг 50 йиллиги байрамини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўра бориб, яқин кунлар ичида юбилей йили социалистик мажбуриятини ҳам бажардилар ва улар ўз имкониятларини ҳисоблаб қилиб, бу йил илгари белгиланган 330 минг тонна уринга кам деганда 350 минг тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилдилар.

Областада ғалла, қилла, жуи ва мева тайёрлаш давлат пунктлари ҳам муддатидан илгари бажарилди.

Бу йил дуборларимиз катта муваффақиятга эришдилар. Мисли қўрилмаган қисқа мuddат ичида улар давлатга қанов поёси сотиш ва социалистик мажбуриятини бажардилар. Давлатга 296 минг тоннадан ортиқ қанов поёси сотилди, бу планга нисбатан 111 процентдан кўпрогини ташкил этди. Дуб топшириш давом этмоқда.

Давлатга қанов поёси сотиш планини муваффақиятли бажарилишида кўп поёсини ишлабдиган «ЛС-1» машинасининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши катта роль ўйнади. Бу машинанинг конструкциясини пахта тозалаш бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси тайёрлаган. «Чирчиксельмаш» заводи ишчи, мутахассислари ва хизматчилари уни ишлаб чиқаришда маҳорат билан ўзлаштирилди ва қишлоқ хўжалигига ана шу хилдаги машиналардан етарли миқдорда етказиб бердилар.


Область хўжаликлари давлатга 160 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 26 минг тонна картошка, 40 минг тонна қонув-тарвуз, 27 минг тонна узум, 17 минг тонна гўшт, 46 минг тонна сўт, 30 миллион дон тухум ва бошқа қўлаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бердилар.

Давлатга шол, сабзавот, картошка сотиш мажбуриятларининг ҳам муваффақиятли бажарилишига эришилди, кўзги ғалла экишни ва шудорлашни муваффақиятли тугаллаш, давлатга чорвачилик маҳсулотлари топшириш ва сотиш планларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан ҳам зарур тадбирлар кўрилмади.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, областининг халқ хўжалиги бошқа тармоқлари ходимлари ҳам юбилей йили учун қабул қилинган план ва мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун курашмоқдалар.

Колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари, областининг барча меҳнаткашлари бундан буён ҳам партия XXIII съезди ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленумлари қарорларини илмийлик билан амалга ошириш учун курашадилар. 1968 қишлоқ хўжалиги йили — бешйилликнинг учинчи йилида ҳам янги муваффақиятларга эришиш учун пухта замин яратадилар.

УЛКАН МЕХНАТ ЗАФАРИ



МАРД ПАХТАКОРЛАР, ОФАРИН!

